

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ёшлар ишлари агентлиги  
директорининг биринчи  
уринбосари – Харид  
комиссияси раиси  
Ж.Ходжаев



Ёшларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга  
қаратилган хизматларни кўрсатиш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ  
ХУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

## I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети.

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид комиссияси (бундан буён матнда харид комиссия деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

**Энг яхши таклифларни танлашни ташкил қилишининг асосий маъсадлари куйидагилар:**

Ёшлиарнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорлик билим ва қўнималарини ошириш маъсадида ўкув дастурлар ишлаб чиқилиши ҳамда ташкил қилинишини давлат томонидан қўллаб-куватлаш юзасидан.

**Харид предметининг бошлангич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шартни: жами суммаси 1 598 450 000 (бир миллиард беш юз тўқсан сakkiz миллион тўрт юз эллик минг) сўм. Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати жорий йил якуни – 15.12.2022 йилга қадар.**

Махсулот (иш, хизмат) энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш хужжатларининг тижорат қисмida жойлашган талабларига биноан бажариш шарт.

Махсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажариш муддати: 6 ой

### 2. Мазкур танлаш хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар.

Ёшлиарнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билим ва қўнималарини оширишга қаратилган хизматларни харид қилиш тўғрисида энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари (кейинги ўринларда матнда – Танлаш хужжатлари) талаблари асосида ташкилотни аниқлаш.

**Танлаш ўтказиш тартиби – бир боскичли.**

**Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлиар ишлари агентлиги;**

**Манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани Навоий 11Б**

**Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – Ишлар бошқармаси бошлиғи М.Табибуллаев;**

**Тел.: (99) 110-86-86**

### 3. Харид комиссиясининг вазифалари:

харид қилиш хужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усувларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танлашни ўтказади, агар харид қилиш хужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлаши натижаларини хисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди;

зарур бўлганда баҳолаш гурухини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

харид қилиш тартиб-таомилларини “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг ракобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда

захирадаги ғолибни белгилайди ёки танлашни амалга ошмаган деб топади.

**Танлашнинг ташкилотчиси** – Ишчи гурух. Унинг вазифасига куйидагилар киради:

Танлаш хужжатларини ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлаш ўтказилиши тұғрисида республика товар хом ашё биржасиннг [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) порталида эълон беради;

- танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

#### **4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда харид комиссиясининг вазифалари:**

-иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий хужжатларини, таклифларни сифат ва нарх нұктаи назаридан ўрганади, таҳлил қиласы да күриб чиқади;

- давлат ижтимоий буюртмаси асосида энг яхши сифат ва нарх таклифини аниклайди ва қарор қабул қиласы.

**Иштирокчи** – Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажаришда энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари талабларида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

**Иштирокчи:**

- тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- факат танлаш хужжатлари талабларига мувофиқ битта таклифни тақдим этиш хукуқига эга;

- тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш хукуқига эга.

#### **5. Иштирокчига танлашда катнашиш учун қўйиладиган талаблари**

**5.1. Иштирокчи таклифда катнашиш учун [e-tender.uzex.uz](http://e-tender.uzex.uz) сайтида жойлаштирилган эълон белгиланган тартибда электрон шаклда таклиф бериш оркали иштирок этади.**

Иштирокчи ташабbusи билан бошқа хужжатлар (сертификатлар, ўтказилган текширишлар бўйича маълумотлар ва шу кабилар) ҳам тақдим қилиниши мумкин.

##### **5.2. Танлашга куйидаги иштирокчилар қўйилмайди:**

– шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

– шартнома тузиш учун конуний хукукка эга бўлмаган;

– соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлган;

– инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

– ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд бўлган;

– имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб ракамларига эга бўлмаган;

– аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган.

**5.3. Харид комиссияси иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:**

у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;

унда соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;

ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;

иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида Агентлик томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг кўлланилишига таъсир ўтказиши мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар кандай шаклдаги хақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбахо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф килса, берса ёки беришга розилик билдириш;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аникланса.

Харид комиссиясининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари хақидаги хисоботга киритилади.

## **6. Танлаш доираснда хужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий хисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Харид комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## **II. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ**

### **7. Танлаш хужжатининг таркиби**

7.1. Танлаш иштирокчи унга берилган танлаш хужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Иштирокчиларнинг таклифлари танлаш хужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади.

7.3. Танлаш хужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш хужжатлари талабларига тўғри келмаслиги, таклифнинг кабул қилинмаслигига олиб келади.

### **8. Танлаш хужжатларида аниқлик киритиши**

8.1. Хужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш хужжатларида қандайдир аниқлик киритиши учун харид комиссиясига ёзма равишида мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Харид комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш хужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **9. Танлаш хужжатларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши**

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 2 кун олдин харид комиссиясининг қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилишга ҳақлидир.

## **III. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

### **10. Танлашда қатнашиш ҳаражатлари**

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш хужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи хисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта – сўмда тўланиши лозим.

10.4. Махсулот (хизмат, иш) нархи таклифга барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар махсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини оҳирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган боскичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **11. Танлашда қўлланиладиган тил**

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи

ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тайёрланади.

## **12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар**

12.1. Тараборнинг танлашда қатнашиш бўйича аризасини қабул қилишда автоматик равишда унинг танлаш таклифлари тўғри тўлдирилгани текширилади.

Танлаш таклифларини мезонлар бўйича баҳолашда танлашда қатнашиш шартларига риоя этилиши, танлаш шартларида кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги текширилади.

Тарабор томонидан тақдим этилган танлаш таклифлари тўғри тўлдирилмагани ёки тарабларга риоя этилмагани аризани қабул қилишни рад этиш учун асос ҳисобланади. Бу ҳақда унинг шахсий кабинетига электрон хабар юборилади.

## **13. Муқобил таклифлари**

13.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (иш, хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

## **IV. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНинг ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

14.1. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 30 (үттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

14.2. Айрим ҳолларда харид комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

## **V. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ**

### **АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

#### **15. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

15.1. Харид комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш харид комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

15.2. Танлаш таклифларини баҳолаш бир боскичдан иборат бўлиб, Танлаш ҳужжатларининг V-бобига мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

15.3. Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.

15.4. Танлашда ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

15.5. Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган боскичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳакли.

15.6. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушуниришлар беришини сўраши мумкин.

15.7. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

15.8. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади.

15.9. Танлаш таклифларини қараб чиқиши муддати 10 кундан ошмайди.

15.10. Якун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги карор харид комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда харид комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хulosасига асосланилади. Қарор харид комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Харид комиссиялари аъзоларида иштирокчилар билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала қўтарилиган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

15.11. Харид комиссияси танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай

танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш хуқуқини ўзида олиб қолади.

15.12. Харид комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йигилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва харид комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

15.13. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

15.14. Иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари:

Т/р	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Ишларни ўз вақтида бажариш учун раҳбар томонидан имзоланган Кафолат хати	максимал 5 балл	Техник талабларга мувофиқ келишига қараб баҳоланади
2.	Тадбиркорлик фаолиятида тадбиркор, фермер, дехқон, ҳунарманд ва банд бўлмаган аҳоли билан ишлаш тажрибаси	максимал 5 балл	Иштирокчи томонидан илова қилинган қишлоқ хўжалигида аҳолини қўллаб-куватлашга каратилган лойиҳалар кўрсаткичларига асосан баҳоланади
3.	Тақдим қилинган ишнинг самарадорлиги, кутилаётган натижаларнинг сифат ва миқдорий кўрсаткичлари юқорилиги	максимал 5 балл	Баллар иштирокчилар тақдим этган таклифлардан келиб чиқиб шаклланади
4.	Кўрсатиладиган хизмат доирасида амалга ошириладиган ишларни аниқ ва батағсил ёритилганлиги	максимал 5 балл	Баллар иштирокчилар тақдим этган таклифлардан келиб чиқиб шаклланади
5.	Иштирокчининг қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган маҳаллий ва ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги	максимал 5 балл	Иштирокчининг соҳада олиб борган лойиҳалари рўйхати, уларнинг ҳажми, маҳаллий ва ҳалқаро ҳамкорлар билан тузилган шартномалар, меморандумлар илова қилинади
6.	Иштирокчининг коучинг ва мотивацион видеороликлар тайёрлаш бўйича тажрибаси	максимал 5 балл	Талабгор томонидан тайёрланган видео материаллар хақида маълумотлар илова қилиниши лозим
7.	Иштирокчининг ўкув дастурлар яратиш, семинар, тренинг ва малакавий курслар ташкил қилиш бўйича тажрибаси	максимал 5 балл	Талабгор томонидан тайёрланган ўкув дастурлари ва ўтказилган ўкув-машғулотлар, семинарлар, тренинг ва малакавий курслари хақида маълумотлар илова қилинсин
<b>Жами максимал балл</b>		<b>35 балл</b>	

15.16. Минимал ўтиш балл 20 балл деб белгилансин.

## 16. Таклифларнинг мос келмаслиги

16.1. Танлаш хужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда харид комиссияси:

иштирокчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, маҳсулот (иш, хизмат) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган яқуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, маҳсулот (иш, хизмат) нархи устунлик қиласди, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул килиши мумкин.

Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофилик мавжуд бўлса, у холда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик килади.

16.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи харид комиссиясининг карори билан четлаштирилади.

16.3. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи ҳуқуки бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

16.4. Танлаш кўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда факат битта тақлиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам тақлиф тақдим этилмаган бўлса;

барча танлаш таклифлари танлаш хужжатларига қўйиладиган талабларга мувофик бўлмаса;

барча танлаш таклифларида танлаш хужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган хужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча иштирокчиларнинг тақлиф этган нархлари товарнинг бошлангич қийматидан анча юкори бўлса;

танлаш хужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита тақлиф олинмаган бўлса.

16.5. Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлаш иштирокчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

## **VI. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **17. Шартномани расмийлаштириши**

17.1. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган тақлифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

17.2. Танлашда голиб чиқсан иштирокчи буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – тақлифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда шартномани бажариш бўйича энг яхши тақлиф билдирган иштирокчи.

Захирадаги ғолиб – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган энг яхши тақлиф қилган иштирокчи.

17.3. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) маҳсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

17.4. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аникланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан тақлиф этилган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.

17.5. Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

### **18. Шартномани имзолаш**

18.1. Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

18.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

18.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.